



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

«ТИББИЁТДА ИННОВАЦИЯНИНГ ЎРНИ»
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ
УРГЕНЧСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Сборник Международной научно-практической конференции по теме
«РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В МЕДИЦИНЕ»

Тахририят хайъати:

Редакционная коллегия:

Шадманов А.К., Исмаилов У.С., Рузибаев Р.Ю., Каримов Р.Х., Ботиров Д.Ю.,
Абдуллаев Р.Б., Оллабергганов М.И., Авезов М.И., Рўзметов П.Ю., Сапаева Ш.А.,
Матризаева Г.Д., Хаджиева Н.М., Тажиева З.Б., Ходжаниязов А.А.

**ТТА Урганч филиали
Кенгаши томонидан 2024 йил
30 март ойида чоп этишга
тавсия этилган (7-сон
баённома)**

Ушбу илмий ишлар тўпламида тиббиёт олий ўқув юртлирида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар бажараётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрин олган. Тезисларнинг мазмуни ва улардаги хатоликлар учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

В сборник научных трудов вошли результаты научно-исследовательских работ, проведенных профессорско-преподавательским составом медицинских ВУЗов. Тезисы не рецензируются. За содержание и достоверность указанной информации ответственность несут авторы.

26-27 апрель 2024 йил. Урганч. Ўзбекистон

Хоразм вилояти аҳолиси орасида учрайдиган ўпка рақларининг метастатик хусусиятлари.

А.Ортиқов, Б.С.Юлдашев.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Маъмун университети.

Мавзунинг долзарблиги. Ўпка саратони бизнинг давримизнинг энг кенг тарқалган ва хавфли касалликларидан биридир. Унинг юқори ўлим даражаси ўва у билан боғлиқ тиббий ва ижтимоий муаммолар касалликни турли жиҳатларини, шу жумладан морфологик хусусиятларини, айниқса минтақавий хусусиятлар контекстида ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди.

Илмий ишнинг мақсади. Хоразм вилояти худудида яшовчи ўпка раки билан касалланган беморлар орасида метастазланиш ҳолатини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Ўзбекистон республикаси онкология илмий -амалий маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йилларда даволанишда бўлган ўпка раки диагнози билан даволанган 103 нафар беморнинг касаллик тарихлари, амбулатор карталари, патогистологик хулосалари ўрганилди.

Олинган натижалар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики ўпка раки беморларда 10 дан ортиқ аъзоларга метастазланиб, уларда ўсма ўчоқларининг юзага келишига сабаб бўлган ва бунинг натижасидаги аъзолар функционал етишмовчилиги бутун организм фаолитига таъсир қилиши ва полиорган етишмовчиликка сабаб бўла олган. Аъзоларга берилган метастазлар орасида энг олдинги ўринда лимфа тугунлари жойлашиб улардаги метастазлар 18 та ҳолатда кузатилиб 17,5% ни ташкил қилган, бу лимфа тугунлар асосан бифуркацион, паратрахеал, бронхопулмонал, қўлтиқ ости, юқори кўкс оралиғи, қорин бўшлиғи лимфа тугунлариги эканлиги аниқланди. Кўрсатилган лимфа тугунларининг шикастланиши шундоғам иммун тизим паст бўлган беморларда иккиламчи иммундефицит ҳолатининг кучайишига олиб келиши кузатилади.

Метастазланишнинг кейинги ўринларида бош мия тўқимаси ва турли хил суяклар жойлашган бўлиб 13 тадан ҳолатни ташкил қилиб мос равишда 12,6% да кузатилган. Бу метастазлар мия тўқимасида деструктив ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ тарздаги турли функционал бузилишларга олиб келган бўлса, суяклардаги метастазлар уларда кўплаб патологик синишлар ва остеопороз ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлган. Жигарга ва умуртқа поғонасига берилган метастазлар 11 тадан ҳолатда кузатилиб ҳар қайсиси 10,7% ни ташкил қилган. Жигардаги метастазлар жигар тўқимаси дистрофик жараёнлари, веноз тўлақонлик билан боғлиқ асоратларни шакллантириб функционал етишмовчиликка (буни АЛТ, АСТ миқдорининг ортишида ҳам кузатиш мумкин) сабаб бўлган бўлса, умуртқа поғонасидаги метастазлар ўз

навбатидда дегенератив ўзгаришларга сабаб бўлиб турли хилдаги параплегия, парезларнинг шаклланишига олиб келган ва бу табиий ҳолда жараённинг янада оғирлашиб, беморларнинг ҳаёт тарзи сифатига таъсир кўрсатган.

Кейинги ўринларда париетал ва висцерал плевралар жойлашиб 8 та ҳолат 7,8% ни ташкил қилган, париетал плевра метастазлари контакт йўл билан қовурғаларга метастазланиш имкониятини ҳам кучайтириб, уларнинг деструкциясига сабаб бўлиши мумкин. Қовурғалардаги метастазлар 2 та ҳолатда қайд қилиниб 2% ни ташкил қилади.

Шунингдек метастазлар орқа мия тўқимасида ҳам 1 та ҳолатда қайд қилинди (1%) бу метастазлар жойлашган қисмдан пастки қисмларда дисрегенератив ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ўпка рақларининг ривожланиши ўз вақтида аниқланмаса қисқа муддатлар ичида метастазлар юзага келиши ва улар билан боғлиқ асоратларнинг ривожланиб беморларнинг ҳаёт тарзининг оғирлашишига олиб келиши, беморларнинг даволаниш жараёни чўзилишига, яшаш муддатларининг қисқаришига, ўлим ҳолатларининг тезлашишига олиб келади.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун худудларда мойиллик гуруҳидаги беморларни

(чекувчилар, сурункали ўпка касалликлари бор беморлар, суруенкали бронхит ва х.к) диспансер ҳисобга олиб, доимий тарзда кўриклар ўтказиб онкологик эҳтиёткорликни кучайтириш талаб қилинади.

Юлдашев Б.С., Эрметова Д.Ж	617
ДИАБЕТИК ТОВОН КАСАЛЛИГИДА ҚАНД МИҚДОРНИ ПАСАЙТИРУВЧИ ИНСУЛИН ПРЕПАРАТИ (ВИКТОЗА).....	618
Юлдашев Б.С. ¹ , Курбанбаев У.Ж. ² , Каримов Р.Х. ³ , Рузметова Д.Т. ⁴	618
КОМПЛЕКСНЫЙ ФИЗИОЛОГО-ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ПРОФИЛАКТИКЕ УКАЧИВАНИЯ.....	618
Юнусов А.А., Аскаръянц В.П., Бабаджанова Ф.А.....	618
ВЗАИМОСВЯЗЬ УРОВНЯ ВИТАМИНА D И ТЯЖЕСТИ ТЕЧЕНИЯ У БОЛЬНЫХ ХОБЛ.....	619
Якубов А.В., Мусаева Л.Ж., Саидова Ш.А	619
ПРОГНОЗИРОВАНИЕ РИСКА ЗАБОЛЕВАНИЙ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА НА ОСНОВЕ ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА.....	620
Яхшибоева Д.Э., Сайдалиходжаева С.З., Эрметов Э.Я.....	620
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АХОЛИСИ ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН ЎПКА РАКЛАРИНИНГ МЕТАСТАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	623
Ортиков А., Юлдашев Б.С.	623